

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура - Қурилиш Институти

“Қурилишни бошқариш” факультети
“Касбий таълим” кафедраси



Диплом лойиҳасининг
ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Мавзу: Куз неъматлари мавзусида натюрморт ишлаш
ва уни ўқитиш услуби.(Рангтасвир, гуашь.)**

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.
Раҳбар: доц.Туйчиев Р.
Битирувчи: 401- КТ(с) гуруҳи
талабаси Холиёрова Нилуфар.

Самарқанд 2013 йил.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Курилишни бошқариш» факультети
« Касбий таълим » кафедраси

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойихасининг мавзуси

*Куз кезматлари мавзусида катъориюрий
шимаи ва уни ўқитиш услуби.*

(Рангасевир, гуашь).

Диплом лойихасини
бажарувчи толиб (а)

Хошиёрова Нилуфар

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

Кафедра мудири

доц. Рахмонов А. Б.

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

Раҳбар

доц. Тўйчиев Р.

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

Раҳбар

У

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

Маслаҳатчилар

ўст. Мешкунов А. Н.

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура
Қурилиш Институтини

«Қурилишни бошқариш» факултети

«Қасбий таълим» кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН
ТОПШИРИҚ

Комиёрова Нисурар

401-КТ(с)

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

I. Диплом лойиҳасининг мавзуси Қўз неъматлари мавзусида
катюршорт ишлари ва уни ўқитиш услуби.
(Рангтасвир, гуашь).

Институт буйича 2012 йил « 29 » 12. 246 4 - сон буйруқ асосида тасдиқланган.

II. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар Рангтасвирда
катюршорт жанрида баъжаришган ишлар, журнал -
лар ва шайдларда келтирилган маълумотлар
тўплани.

III. Тушунтириш хатида келтириладиган:

1. Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш Тўпланган
маълумотлар таҳлил қилиниб, мавзу асосланади
ва дипломи иши режаси тузилади.
2. Диплом лойиҳасининг назарий шакли ишланмалари Рангтасвирда
катюршорт жанрида баъжаришган катюршорт асос-
ларини зратиш назарийсини изовлади.
3. Диплом лойиҳасининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш Мавзуга
оид эскизларнинг бир неча вариантларини ишлаб
чиқиш ва энг махушини танлаш.
4. Ўқув услубий қисми Мавзу бўйича дарс бериш режасини тузиб
2-соатлик дарснинг мевёрий ҳужжатларини ишлаб чи-
қиш ва замонавий ўқитиш технологияларини қўшиб
дарс ўқиш услубини зратиш.
5. Диплом лойиҳаси бўйича хулоса қисми Диплом ишини баъжариш
жараёнида талабанинг дипломи иши бўйича шахсий
хулосаси келтирилади.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Диплом ишини баъжариш
жараёнида қўланилган адабиётлар ва мевёрий
ҳужжатлар рўйхати келтирилади.

IV. Диплом лойихасининг таркиби ва график қисми:

1. Куз кившатлари мавзусида бажаришган натюрморт.
2. Натюрморт ишнинг кетиш - кетмиши.
3. Дарс режаси ва 160-минутлик дарс таҳлили.
4. Амалий дарс ўқиш услуби.

V. Диплом лойихасининг қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом иши қисмлари	Бошланиши	Тугалланиши	Маслаҳатчилар	Изох
1.	Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш.	1. 03. 13	25.03. 13	Тўйшев Р.	
2.	Диплом иши назарий шаклининг ишланмалари.	26.03. 13	12.04. 13	Тўйшев Р.	
3.	Диплом ишининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш.	15.04. 13	10.05. 13	Тўйшев Р.	
4.	Ўқув услубий қисми.	11.05. 13	15.06. 13	Менисқиев А.	


Изох:

1. Диплом лойихаси «Низом» га асосан бажарилади.
2. Хар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида рахбар ёки маслаҳатчи томонидан имзолангандан кейин навбатдаги қисмини бажаришга кафедра томонидан рухсат берилади.


VI. Топшириқ берилган сана 1. 03. 13

VII. Тугалланган диплом лойихасини топшириш санаси 15. 06. 13


Диплом лойихаси раҳбари доц. Тўйшев Р.
(фамилияси, исми, шарифи)


(имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди Кочкёрова Н.
(фамилияси, исми, шарифи)


(имзо)

Кафедра мудири доц. Рахмонов А. Ғ.
(фамилияси, исми, шарифи)


(имзо)

М У Н Д А Р И Ж А:

I.К И Р И Ш.....	1-2
II.Мавзуни асослаш.....	3-4
а) Рангтасвир санъати.....	5-7
б) Рангтасвир натюрморт жанри.....	8-16
в) Мавзуга асосан натюрморт ишлаш жараёни.....	17-22
III.Атроф муҳит муҳофазаси қисми.....	23-26
IV.Ўқув услубий қисм.....	27-42
V.Хулоса.....	43-44
VI. Адабиётлар.....	45-46

I.Кириш.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида “Халқ таълими тўғрисида” , “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Олий ва ўрта махсус таълим тизими олдига юксак маънавий, мафкуравий миллий ахлоқий, меҳнат интеллектуал онг, ҳаётий ва жисмоний соғлом авлод яратишда юксак вазифалар қўйди.

Маълумки, баркамол авлодни шакллантириш кўп жиҳатдан тарбиячи, педагог, ота-она, узтозларнинг маҳоратига боғлиқ.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг шарафли вазифаларини ўқитувчилик касби шон-шарафи ва машаққатлари бугун ҳам мустақил Республикамизда янада юксакроқ кадрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Баркамол авлод-Ўзбекистон келажагининг пойдевори нутқида” Бизга мактабнинг битирувчилари эмас мактаб тарбиясини кўрганлар, яъни билимли, касб-хунарни эгаллаган ёшлар кераклигини таъкидладилар.

Президентимиз ёшларни мактабда моҳирликни эгаллаш йўлига киритишни таъкидлаб, моҳирлик бу фаҳм-фаросат, чинакам илмий билим ҳақиқий ҳаётий тарбия, турмушдаги қийинчиликларни енгувчи, мувоффақиятлардан завқ олиб, яхшилик сари ўзини илхомлантирадиган ёшлар кераклигини кўрсатиб ўтдилар.

Инсон ер юзидаги энг мукаммал, буюк зод бўлиши учун аввало тарбияланган ва касбли бўлиши зарур.

Демак, жамият ўқитувчидан чуқур ва кенг маълумот, юксак ва пок ахлоқий фазилатлар, ўқитувчилик касбига тайёр бўлишдек улуғ вазифаларни талаб этади ва талаб этиб келган.

Ҳақиқатдан ўқитувчининг давлат ва халқ олдидаги ижтимоий вазифалари кенг ва заруриятдир.

II.Мавзуни асослаш

Мавзуни асослаш

Диплом ишим мавзуси „Куз неъматлари мавзусида натюрморт ишлаш ва уни ўқитиш услуги”.

Мавзуга асосан “Куз неъматлари”дан иборат натюрморт ишлаш керак бўлади. Нимага айнан „Куз неъматлари” деган савол тўғилиши табиий. Биринчидан бу куз фасли . Бу фасл менга жуда ҳам ёқади. Мавзу номини ўзи айтиб турибди „куз неъматлари” деб. Куз юртимизда йиғим терим палласи ҳисобланади. Бобо деҳқонлараримиз куз неъматларини йиғиб оладилар. Табиат бетакрор чирой касб этади. Шу сабаб куз фаслини - олтин куз деб аталиши бежиз эмас. Ўз навбатида танланган мавзу ҳақида тушинча бериб ўтсам .

Натюрморт деганда биз жонсиз табиатни тушунамиз. Ҳаммага маълумки натюрмортлар турли туман бўлади .Энди „Куз неъматлари” натюрмортига келадиган бўлсак, бу хил натюрмортлар куз неъматларидан иборат бўлади.

Буларга юртимизда пишиб етиладиган мевалар, сабзавотлар киради .

Куз неъматлари мавзусида натюрморт ишлаш учун авваламбор натюрморт қўйилмасига эътибор бериш керак бўлади. Тўғри тузилган натюрморт қўйилмаси бўлғуси ишнинг талаб даражасида бажарилишига замин бўлади. Натюрмортни бино яъни хона ичида, очиқ хавода, сояда ва офтобда табиий ва суний ёруғликда тасвирлаш мумкин.

Бу ўз навбатида ижодий вазифалари самарали амалга оширига ёрдам беради. Натюрморт асосан икки жиҳат асосида тузилади. Булар натюрморт композицияси ва натюрморт қўйилмаси.

а)Рангтасвир санъати

Рангтасвир санъати

Рангтасвир- тасвирий санъат тури.

Рангтасвир- бирор қаттиқ юзада ишланади.

Рангтасвир- рангли ашёларда, масалан бўёқлар ёрдамида яратиладиган бадиий асардир.

Рангтасвир- воқеъликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилиш демакдир.

Рангтасвир- асарининг ғоявий мазмуни унинг мавзу ва сюжетида мужассамлашади. Сюжетни расм ранг тасвирнинг ифода воситалари орқали рўёбга чиқаради.

Рангтасвирнинг ифода воситалари:

композиция, расм, ранг, ритм ва ҳоказолар.

Рангтасвир асарлари асоси:

Махсус ишлов берилган мато, ёғоч, қоғоз, картон шиша, металл ва ҳоказолар.

Рангтасвир ранг қатлами:

Мойбўёқ, гуашь, темпера, акварель, рангли шиша рангли тош ва ҳоказолар.

Айрим ҳолларда рангни сақлаш учун унинг устидан берилган юпка лок қатламидан иборат бўлади.

Рангтасвирнинг муҳим тасвирий ва таъсир воситаси - **ранг** (колорит) ҳисобланади.

Асар авваломбор ижодкор тасаввури ва онгида пайдо бўлган ғоя қораламаси тарзида қалам ёки кўмир-қаламда бирор юза, кўпинча қоғоз ёки картонга ишланади.

Сўнг шунга мос асос танланиб, унга бажариладиган ишнинг моҳиятига кўра ишлов берилади. Шундан сўнг тасвир ўрни белгиланиб расм ишланади. Ранг беришда эса, аста суюлтирилган ранг билан бошлаб, кўп қатламли ёки

керек рангни бир қуйишда бир қатламли бажариш мумкин. Рангтасвир-асарлари ўзининг ишланиш ўрни, мазмуни, бажарадиган вазифаси, ишланиш услуби ва кўринишига қараб монументал, безак, дастгохли санъати, декорация, минютура ва бошқаларга бўлинади.

Рангтасвир- тасвир мавзуи ва мазмун йўналишига қараб бир қатор жанрларга ажралади:

1. Анимистика
2. Тарихий жанр
3. Маиший жанр
4. Баталь жанри
5. Портрет
6. Манзара
7. Натюрморт ва бошқалар.

**б) Рангтасвирда
натюрморт жанри**

Рангтасвирда натюрморт жанри.

Натюрморт- французча (nature morte)дан таржима қилинганда- жонсиз табиат деган маънони беради.

Натюрморт- рангтасвир санъати жанри.

Натюрморт- инсоннинг атрофини ўраб турган реал маиший муҳитда жойлашган ва композиция жиҳатдан яхлит гуруҳни ташкил қилган нарсалар тасвирланади.

Шунингдек ана шу жанрда яратилган рассомлик асари ҳам **натюрморт** деб аталади.

Натюрморт- жонсиз буюмлар (масалан, уй-рўзғор буюмлари, қуруқ асҳаблар ва бошқалар)дан ташқари, табиатдан ажратиб олинган ва буюм нарсаларга айлантирилган жонли табиат нарсалари (столдаги балиқ, вазадаги гул ва бошқалар) ҳам тасвирланади.

Асосий мавзунини тўлдириш учун баъзан натюрмортга одамлар, ҳайвонлар, қушларни ҳам киритиш мумкин.

Маиший оқосидан ажратиб олинган майда нарсаларнинг муҳимлигини бошқа жанрларга нисбатан натюрмортда номўн бўлади.

Натюрморт- тасвирланаётган (муҳабил акс эттирилаётган ёки картиналарда асар мазмунини бойитадиган ва тўлдирадиган) буюмлар ўз эҳсининг феъл атворини, қизиқишини ёритишга ёки буюмларнинг шакли, ранги, фактураси, тузулишидаги ритмик, динамик ва статик ҳолатларини кўрсатишга қаратилган.

Натюрморт- Қадимги мисрда деворга ишланган фрескаларда, эллинизм даври мозаикаларида, Хитойда VII-асрдан бошлаб қуш ва гулларнинг композиция бўлаги сифатида маълум бўлган.

Натюрморт- Европада XVI-аср охири XVII-аср бошларидан муҳабил аҳамиятга эга бўлди, ва кенг тарқала бошлади. Энг тараққий этган даври XVII-асрга тўғри келади.

Натюрморт- атамаси XVIII- асрдан бошлаб қўлланила бошланди.

Италян рассоми М.Караважо ва
Унинг издошлари (Караважизм) на-
Тюрмортнинг кенгтарқалишида му-
Хум роль ўйнайди. Гул ва мевалар
денгиз инъоми-балиқ, қисқичбақа-
лар севимли мавзуга айланди.

Натюрморт- Россияга XVIII-асрда кириб

келди. Кўзни алдайдиган “худди
ўзига ўхшаш(алдамчи) расмлар иш-
лашдан шаклланиб борди.

XIX-асрнинг I-ярмида ҳаққоний-
ликка, борлиқни ўзидан гўзаллик
топишга ҳаракат қилинди.

шакл фактура ва безакдорлик бора-
сидаги ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон тасвирий санъатида натюрморт унсурлари қадимий давр
санъатида, масалан Афросиёб деворий расмларида вазадаги мевалар
мисолида.

Миниатюра санъатида, масалан Камолиддин Беҳзоднинг
Шайбонийхон портретида тасвирланган буюмлар сиёҳдон, қамчи мисолида
учрайди. Натюрморт ҳақиқий шаклланиши ва ривожланиши XX-асрнинг 30 -
50 йиларига тўғри келади.














**В) Мавзуга асосан
натюрморт ишлаш
жараёни**


Мавзуга асосан натюрморт ишлаш жараёни

Кўзали натюрморт мавзусида натюрморт ишлашга биринчи навбатда натюрморт куйилмасини тузиб олишга эътибор қаратилади. Албатта натюрморт куйилмасини тузишда раҳбарим маслаҳатлари кўл келди.

Кўйилма тузилгандан кейин натюрморт ишлаш жараёни, кетма- кетлиги қуйдагича кечди.

- 1.)Керакли ўламчамда тахта ромб ясаб олдим.
- 2.)Тахта ромбга сурф материали тортилди.
- 3.)Тортилган сурф юзасини клей ва эмулция ёрдамида грунтлаб олдим.
- 4 .)Таёр бўлган юзага натюрморт каламтастасвир ишланди.
- .
- 5.)Каламтастасвир бажарилгач ранг бериш жараёнига ўтдим.
- 6.)Ранглашда гуашь ва эмулция бўёқларидан фойдаландим.
- 7.)Катта ва кичик ўлчамлардаги мўйкаламлардан фойдаланишга тўғри келди.
- 8.)Ранг бериш жараёнини тугатиб тайёр бўлган ишни тилло ранг бўёк билан рангланган тахтали хошия ромб билан безатдим.









III.Атроф мухит муҳофазаси қисми

Хозирги вақтда фан ва техника ютуқларга асосланган инсониятининг табиатга кўрсатаётган тасъири нихоятда кучайган бир вақтда табиатни ундаги экологик мувозанатни асраш нихоятда муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам келажак авлодни экологик жиҳатдан саводли ва етук кишилар қилиб тарбиялаш бу борада ёшлар онгида экологик тушунчаларни шакиллантириш ҳозирги даврнинг долзарб муаммосидир.

Табиат мувозанатига тўғри тушунмаслик натижасида инсон ўзи яшаб турган муҳим табиий ҳолатининг ўта бузилишига сабабчи бўлмоқда. Хусусан Орол атрофида қишлоқ ҳўжалигида йул қуйилган ҳатолар денгизнинг қуришига олиб келди бу эса уз навбатида анна шу вилоятлардаги аҳолии яшаш шароитларининг ёмонлашишига ва ҳар бир касаликларнинг қучайишига сабабчи бўлди.

Табиат билан ҷамият ўртасидаги муносабатларнинг бузилиш ҳар хил экологик зиддиятларнинг келтириб ҳусусан Амудаёнинг қуи қисмида ҳосил қилинган экологик фожиа яъни ҳар бир хил. Ўта захарли моддаларнинг деҳқонликда ишлатилиши дарё сувларидан тўғри фойдалаланмаслик минерал ўғитлардан фойдаланишнинг бузилиш ерларнинг қуплаб ўзлаштитиши туқайзорларнинг йуқолиши қуларнинг қурилиши минтақада экологик мувазанат бузилишига олиб келди

Табиатнинг муҳофаза қилиш муоммосига эътибор бермаслик ёқи уни иккинчи режага суришнинг ўзи инсониятни озик овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича узок мудатга тузилган режанинг бажарилишига тўскинлик қилади. Ҳуди шунингдек у саноатнинг ҳар хил маҳсулотлар билан таъминлашни бузади ва оқибатда одамзотнинг яшаш учун зарур бўлган шароитнинг ёмонлашига олиб келади.

Шу нарсагача алоҳида эътибор бериш кераки тозалик сувнинг атмосферага ҳавосинининг тарқиби ва туброқнинг унумдорлиги жонли организмнинг фаолиятига боғлиқдир. Инсон яшаши учун зарур бўлган барча нарсаларнинг яратувчи табиатдир.

Ха табиат битмас туганмас хазина. Ундаги жонсиз ва жонли табиатнинг турли туман ўсимликлар дунёси хайвонат олами ёш авлоднинг табиатдаги хилма хилликни улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғри тушинишида муҳим манба бўлиб хизмат килади.

Ёшлар кизикувчи бўлади. Улар яшаётган жойида ранг баранг гуларни ўсимликлар дунёсини гулдан гулга куниб учайотган капалакларни бетиним сайрайотган кушларни куриб роҳатланади яйрашади

Ёшларни табиатнинг анна шу гузал манзаралари билан таништириб бориш табиатнинг ҳар бир ўсимлиги хайвонат дунёси экологик мувозанатни сақлашда нақадар ката аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиб ўргатиб бориш улар онгида экологик мувозанатни сақлашда нақадар ката аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиб ўргатиб бориш улар онгида экологик маданиятни шакллантириш имконини беради.

Ёш авлодни табиат ва ундаги экологик мувозанат билан таништиришда асосий мақсад Она Ватанимизни севиш унинг ўсимликларини хайвонат оламини сақлаш купайтириш ва уларга бўлган муносабатлар ўзқартириш руҳида тарбияланиш туфайли ҳозирги дарда табиатга содир этилаётган экологик фожиларнинг олдини олишдан иборатдир.

Ёш авлодда табиат ва унинг экологик муомолари ҳақида тўла тушунчалар ҳосил қилиш учун бу жараёни боғча ёшидан бошлаш лозимдир. Шунинг учун ҳам болалар боғчалари бошланғич синфлар ва уларда ишлаётган тарбиячи муаллимлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири болаларнинг табиатнинг хилма хиллигини унинг гўзаликларини кўра билиш уни севиш табиатда юз берадиган ўзгаришлар ҳақида тўғри тушунчаларга эга бўлиш табиат бойликларидан тўғри фойдаланиш туфайли ундаги мувозанатни сақлаш руҳида тарбияланишдан иборат бўлиш керак.

Турли билим даргоҳларида таълим олаётган талабалар ана у муҳим вазифани тўғри ҳис қилган ҳолда биринчи навбатда табиат қонунлари унинг

экологик мувозанатини шу воҳада ўсаётган ўсимлик яшайдиган ҳайвонат олами ва улар тўғрисидаги ўзаро боғланишлар чуқур таҳлил қилишлари лозим. Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқан ҳолда ёшлар дастлаб илм пойдеворини боғчаларда мактабларда ва олий ўқув юртларида олар эканлар биз тарбиячилар ва педогогиклар зимасидаги асосий ва шарафли вазифа ёшларга ана шу даврдан бошлаб билим асосларни пухта ўргатиш табиатда содир бўладиган воқеа ҳодисалар ҳақида пухта тушунчалар беришдан иборатдир.

Ёшларда ҳар томонлама чуқур билимлар ҳосил қилишда бошқа фанлар каби экология асосларининг ўрни ҳам муҳим саналади. Зеро ҳозирги дарда ер шаринг кўпчилик минтақаларида вужудга келаётган экологикфожиалар кўлами нисбатда каттадир.

Экология асослари дарслиги Олий мактаблар учун профессорлар А.М.Тилаев Н.Г.Наумов Г.А.Работнов В.Н.Гихомиров В.Д.Федров ва Ўзбекистон Миллий Университетнинг экология кафедраси мудир биология фанлари доктори профессор Тўрачон Раҳимова биология фанлари номзоди А.Раҳимовалар томонидан 1998 йилда тузилган дастурга асосланган ҳолда ёзилди айрим бобларни муаллифлар ўз тажрибаларига таяниб экологик муаммолар ҳақидаги тушунчалар турли бўлиши учун киритишни маъқул топдилар

Дарслик икки бўлишдан иборат бўлиб биринчи бўлими Экология асосларига бағишлаган бўлиб унда экология фанинг қисқача ривожланиш тарихи экологиянинг бўлимлари инсонинг ҳўжалик фаолиятини таъсири туфайли экологияда содир бўладиган ўзгаришлар асосий экологик омиллар инсонинг табиатда таъсири халқ урф одатларнинг экологик мувозанатга табиат муҳофазасига таъсири геоэкологик қонуниятлар юқоридаги муомолларнинг ечишда инсонинг роли баён этилган.

IV.Ўқув услубий қисм

Педагог қандай бўлиш керак.

Педогогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир. Кишилик жамияти таракий этиши билан у ҳам ўсиб боради. Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан одамларнинг меҳнат фаолияти процессида уларнинг ишлаб тажрибалари меҳнат малакалари пайдо бўлди. Ва улар ўзгариб борди уларда турли меҳнат қуроларни ишлата билиш кўникма ҳосил бўлди ва бу қуроларни такомиллаштириш қобилияти нутқ ва тафаккур ўсиб ривожланиб борди. Кекса авлод меҳнат процессида ортирган тажрибаси ўсиб келайотган ёш авлодни ҳам меҳнатга иштирок этишга ўргатиши керак эди ва шундай қилди Шундай қилиб тарбия кишилик жамияти практик эҳтиёжининг обектив заруратидан келиб чиқди Шу жамият билан билан ривожлана борди. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларда кишилар ортирган тажрибаларнинг бойиб бориш билан табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билимларнинг орта бориши билан меҳнатга ортирган тажрибаларни ёш авлодга ўргатиш процесси ҳам мураккаблаша борди. Тарбия моҳирлик ва шунинг кўзини билишликни талаб этади. Тарбияни амалга ошириш процессини англаш ва бу соҳадаги тажрибаларни ўргатишда эҳтиёжнинг туғилиши натижасида фани юзага келди Кишининг касби канчалик мураккаб бўлса ундан шу қадар юқори маданиятни бўлиши талаб қилинади.

Педагог яъни ўқувчилик касби ҳам мураккаб касблардан биридир.

Ҳозирги замон ўқувчиси зиммасида ёш авлодни жисмоний жихатдан пишиқ рухан тетик билимдон ватанпарвар мамлакатимизда демократик қуришнинг актив бинокори қилиб этиштириш вазифаси юкланган.Шунинг учун ҳам у кенг маъумотли ва юксак маданиятли киши бўлиши лозим.

Ўқитувчи қанчалик маълумотли ишнинг кўзини биладиган булса ўз малакасини тинмай ошириб борса унинг мактабда ва мактабдан ташкарида килинадиган шулар соҳасида эришадиган муваффакиятлари хам шунчалик серунум бўлади. Бундай ўқитувчи ўзи ишлаётган синфда дарсни ўзлаштириш ёки ўзлаштирма олмаслик сабабларини ўқувчинг ички дунёосини тезда билив олади. Бу эса ўша ўқувчи ишлаётган синифга ва умуман мактабга талим ва тарбия шуларнинг ишларининг тўғри йулга қуйилишга ёрдам беради. Бунинг учун у доимо мактаб ва халқ маорифига доир адабиётлар билан танишиб бориши ўзи ўқитдиган предметни яхши билиши керак. Шунинг учун ҳамиша янги ғалабалар сари дадил кадам ташлаб боровчи янгиликлар изловчи ҳар бир ўқувчи талим тарбия ишларини замонамиз талабаларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш учун табиат ва жамиятнинг вуждга келиш ҳамда тараккий этиш қонуниятларини яхши билиши керак. Шунинг учун ҳамиша янги ғалабалар сари дадил кадам ташлаб боровчи янгиликлар изловчи ҳар бир ўқувчи талим тарбия ишларини замонамиз талабларга жавоб бера оладиган даражага кўтариш учун табиат ва жамиятнинг вуждга келиш ҳамда тараккий этиш қонуниятларини яхши билиш керак .

Ўқувчи синфга ва синфдан ташкарига ўқувчилар ўртасига олиб борадиган талим тарбия ишига уларни ҳозирги замон масалалари билан таништирадиган уларга янги кишига демократия шароитига яшайдиган кишига ҳос хислатларни тарбиялайди.

Ўқувчи талабаларни севши уларга чинакам ғамхурлик қилиши ва улар билан ўз фарзандидек муносабатда бўлиши керак. Талабалар меҳрибон очик кўнгил ўзини уларга яқин тутадиган ўқувчини севадиган ҳар бир ишга эргашига ҳаракат қиладилар. Ҳатто шундай хислатларга эга бўлган педогоглардан баъзиларини умр бўйи унутмайдилар.

Ўқувчига хос хусусиятларлардан яна бири талабалар билан бир меъёрга мунокувчиларга осабатга булиш лекин уларга доимо ғамхурлик килиш билан хаддан ташкари купол муомлага булувчи уқувчини севмайдилар. Бас шундай экан ўқувчи талабалар билан хар томонни хисобга олган холда бир меъёрга муомала килиши керак.

Ўқувчи ўқувчиларнинг табиати таклидчан бўлишини улар биринчи навбатда ўз ўқувчиларга таклид килишларни унутмаслиги хох дарсга хох дарисдан бошка вақтларга хох жомотчилик тўпланадиган ерларга хох кийин ишга ўзини ўқувчиларга намуна буладиган даражага тутта олиши лозим. Бунга эришиш учун ўз-ўзига нисбатан талабчан булиши керак. Бу талабчанлик ааввало ўзига хакики ўқитувчига хос хамма ижобий хислатларни сингдиршидан иборат булиши лозим. Анна шундаги хислатларни ўз тарбияланувчилари олдида тўғри намойиш кила олган ўқитувчигина ўқувчиларнинг хурмат ва иззатига сазовор була олади. Замонавий ўқитиш технологиялари .Касбий таълим деганда талабаларнинг муайян туптаги укув юртига литсей коллеж институт ўқиш жарёнида эгалаб олиш лозим бўлган.

Хамда системага олинган билим малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушуниладию Бу билим малака ва куникмалар доираси энг мухим фактлар илмий тушинчалар конун ва назарияларни дунёкараш гояларни ахлокий хамда естетик нормалар ва идеалларни талабаларнинг кўрсатилган маълумотларни ўрганиши уларнинг илмий тафаккури ва ихсодий кобиятларини ривоислантириши усуллари хакидаги материалларни шуниндек малака ва куникмаларни шу жумладан олинган билимларни амалга кўллаш ва янги замонавий билимларни компьютер ва бошкалар амалга кўллаш ва янги билимларни эгаллашдаги мьалака хамда кўникмаларни ўз ичга олади. Касбий таълимнинг мазмуни бир катор факторларни хисобга олиш билан белгиланади. Бу факторларнинг асосийлари куйидагилардир ижтимоий

ишлаб чиқаришнинг объектив еhtiёжлари ҳамда фан ва техниканинг тарақиёти даражаси ижтимоий тузими­нинг характери бунга давлатимизнинг ҳозирги пайтда олиб бораётган касбий таълим назарияси ва маънавий ишлаб чиқаришни йулга қуйиш чора тадбирлари ҳақидаги босқичма босқич ислохатлари киради.

б) давлатнинг муайян типдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари.

Бундай типдаги ўқув юртлари сарасига ўқиш муддати камида 3 йил бўлган академик лицейлар ва касбий коллежлар кириб улар олдига Ижодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган юкори умумий касбий маданиятни касб этган мутахассислар янги баркамол авлодни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди Бундай баркамол авлодни шакллантириш мақсадида февралда қабул қилган Академик лицейлар ва касбий коллежлар учун малакали педагог ва муҳандис педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларини ҳам белгилаб беради. Бу ҳозирги пайтда фаолият қўрсатаётган Низомий номидаги Тошкент Давлат педогоика Университитети Наманган Муҳандислик Педогоика институти Бухоро озик овкат ва энгил саноат инстути ва бугунги кунда битуров малъакавий мавзуларни химоя қилаётган Самарқанд Давлат Архитектура Қурилиш Институти Касбий таълим факультети талабаларидир.

Бу эса давлатимизнинг ва вазифаларнинг босқичма босқич амалга оширилаётган ислохатлари бўлиб

Касбий таълим санъат йуналиши бўйича битириб чиқаётган навбатдаги қалдирғочларидир.

Ўқитиш принцип­ларидан келиб чиқадиган ва талабаларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар

Касбий таълимнинг мазмуни тарихий характерга эга Кишилиқ жамияти тараққиётнинг турли босқичларида у турлича бўлган бугунга келиб эса

касбий таълим дастуриальлимнинг дастлабки дастурида талабалар амалий маънавий касб дарсларида эгаллаши лозим. Бўлган илмий техникавий билимларнинг меҳнат кўникмалари ва малакаларнинг хажми ҳамда мазмуни белгилаб берилади. Дастурда жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларга касб таълимни бериш ва уларнинг тарбиялалаш соҳасида давлатимиз томонидан қўйилган мақсад ва вазифалар конкрет ўз ифодасини топадию Касбий таълим дастури ўқув режа асосида ишлаб чиқилади ва бу олий ва ўрта махсус касб хунари талми вазирлиги томонидан тасдиқланади. Касбий талым ўқувчиси ўзининг кундалик иш фаолиятида бу дастурга амал қилиб дастурга кўрсатилган мавзуларга маъруза матнлари ёзиб дарсга қиради.

Бу дастурга амал қилиб унинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Касбий таълим дастурини ишлаб чиқиш вақтида бир қанча талаблар ҳисобга олиниши лозим.

Дастурнинг мазмуни дидактик принципларга тўла тўқис жавоб бериши мураккабликнинг ўсиб бориши ҳисобга олинган ҳолдава касбий таълимни танланган дидактик системасига мувофиқ равишда муайян ўзликка баён қилиниши .

К Т қурилиш К Т саноат мисолида кўриш мумкин. Турмуш билан суверен ва демократик давлат тузиб озод ва обод Ватан қуриш билан боғлиқ бўлиши меҳнат объектларининг тавсия қилинадиган рўйхати эса ижтимоий ишлаб чиқариш қийматига эга бўлиши табиий илмий циклдаги умумий талым фанлари физика математика химия чизмачилик расм рангтасвир ва ҳақозаларбилан боғланишини амалга оширилиши .

Курсдан курсга ўтиш вақтида ўқув матириали касбий талым дастурларида мунтазам концентрик структурага мувофиқ равишда жойлаштирилади. Бунинг маноси шуки талабаларда конструкторлик кўникмаларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. меҳнат жараёнларини мавзуларни ўрганиши ишларнинг технологик хариталарни

режалаштириш ва хокозаларнинг бажарилиши мунтазам тартибда жойлаштирилади яни хар бир кейинги мавзу олдинги мавзунинг давоми бўлади.

Махсус фан ўқувчиси
Холёрова нилуфарнинг
4 соатга мўлжаланган

„ Тасдиқлайман „
Ўқув ишлар бўйича
директор ўринбосари

Дарс режа матни

Сана: 25.04.13

Дарснинг тартиб сони: № 4 соатга мўлжаланган

Дарснинг мавзуси: «Рангтасвирда натюрморт жанри»

Дарснинг мақсади: Талабаларга натюрморт ишлаш кетма кетлиги
тушинтириб кўрсатиш.

Таълимий: ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг касбий
малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларни касбий малакаларни шакллантиришда устоз шогирд
анъваналарига амал қилишни ўргатиш.

Ривожлантирувчи: Талабаларда индивидуал усулда топширик
бериб уларнинг ижодий қобилиятини ўстириш.

Дарснинг тури .

Дарсда қўлланадиган асосий усулар: Амалий

Дарснинг жихозлари: ушбу дарга таалукли бўлган асбоблар ускуналар
материаллар чизмалар ва слайдлар.

Дарснинг мазмуни.

- 1.Ташкилий қисм: Талабалар билан саломлашиб журналдаги рўйхат бўйича йўқлама қилиб чиқиш.
- 2.Ўтилган дарс мавзусини сўраб мустахкамлаш ва талабалар билимни баҳолаш.
 - а) Ранг тасвир саънати тарихини биласизми?
 - б) Ранг тасвир жанри ва услубларини биласизми?
 - в) Рангтасвир неча хил жанрга бўлинади?
 - г) Натюрморт қандай ишланади?
3. Ўтилган мавзуга якун яшаш.
4. Янги мавзуни боши.
5. Ўтилган мавзу юзасидан савол жавоблар.
6. Уйга вазифа.
7. Дарсни якунлаш.

Дарсинг бориши.

1. Натюрморт ишлашдаги ишлар кетма кетлигида талабаларнинг касбий малакаларни шакллантириш
2. Натюрморт ишлашдаги ишларни бажаришда устоз шогирд анъаналари устоз ва шогирднинг ўзаро мезонлари асосида иш юритиб бориш.
3. Юқорида ўтилган дарс кетма кетлиги жараёнида талаба тафаккури ва касбга қизиқини ошириш ривожлантириш орқали мавзуга оид партеретларни яратиш
4. Эскизлардан фойдаланиб оқ қоғозга эскиз тайёрлаш.

Ишлаб чиқариш касбий талими ўтишдан мақсад манбалар мустақил холда кўрсатма ва тавсияномаларга таянмасдан касб хунар касбий хати ҳаракатлар мажмуасини шакллантиришдир. Талабаларга касбий таълимбериш мазмунини деганда шундай билим кўникма ва малакалар мажмуасини тушуниладик уларни эгалаш орқали муайян касб ва малакага эга бўлган кичик мутахассис тайёрлаш таъминланади. Ишлаб чиқариш касбий таъминнинг асосий вазифаси бўлажакмалакали кичик мутахассисларни муайян йўналиши соҳасида амалий фаолият кўрсатишга тайёрлашдан яъни билимларни амалиётга тадбик этишга ўргатишдан зарур бўлган касбий кўникма малакаларни шакллантиришдан иборат.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш касбий таълимнинг асосий моҳияти талабаларга тегишли ихтисослик бўйича муҳнат жараёнларни бажариш йўлари ва усулари ўрганишдан иборатдир.

Республикада амалга оширилаётган ислохатлар халқимиз фаровон ҳаёт кечириши ва фаол ижодий меҳнат қилиши мураккаб шарт шароит яратиш минтақамиз ва бутун дунёда ижтимоий иқтисодий сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадларини кўзда тутди.

Амалий дарс ўтиш услуби қулланиб ўтиладиган 160 минутлик дарс тақсимоти.

Мавзу: Рангтасвирда натюрморт ишлаш.

Ўқувчи саломлашиб йўклама ўтказилади. Гуруҳ журнали	5 мин
Уй вазифаси текшириб билимлар баҳоланади	5мин
Янги мавзу эълон қилинади: Рангтасвир натюрморт ишлаш	5мин
Ўқувчи талабалар билан биргаликда натюрморт қўйилмасини ўранатишди	10мин
Талабалар малбертларга қоғозларини маҳкамлаб натюрморт ишлашга киришади Биринчи натюрморт каламтасвир ишланиб сўнга натюрмортга ранг беришга ўтилади.Ўз навбатида ўқувчи иш жараёнини кузатиб туриб ўз маслахатларнинг бериб боради.	120 мин
Дарс тугашига 5минут қолганда ўқувчи натюрморт ишлашни янги дарсда давом этиришини таъкидлаб дарсни яқунлаш	5мин

“Тасдиқлайман”
Коллеж директори

2012 -2013 ўқув йилига мўлжалланган I- босқич
Тасвирий санъат гуруҳи учун
ўқитувчи Холиёрова Нилуфарнинг Рангтасвир
фанидан тузган йиллик иш режаси.

T/p	Бўлим ва мавзулар нинг номи	Машғулот тартиб рақами	Дарс ўтган кун	Дарсга ажратилган соат	Машғулот тури ва тури	Кўргазмалари Қуроллар ва техник воситалар	Мустақил иш тури Амалий лаборатория Тадқиқоти.	Ўй вазифаси	Адабиётлар	Фанлар аҳоли баҳолаш	Изоҳ++
1		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Мутахассис- ликка кириш.	№1	2.04.13	2	Оғзаки Амалий	Рангтасвирга оид плакат ва слайдлар.	Рангтасвирга оид билим ва кўникма ларнинг ёзма баёни.	Рангта свир ишлаш да куллан илади- ган адаби- ётлар ни олиш	Рангта свирда иллюс трация лари	Умум фанлар	
2	Кириш Рангтасвир асослари.	№2	14.04.13	2	Оғзаки	Ранг тасвир асосларини исботлаш берувчи плакатлар					
3	Рангтасвир турлари.	№3	20.04.13	2	Оғзаки	Рангтасвир турларига оид расмлар.	Рангтасвир турларини иш дастурига ёзиб бориш.			Тарих Адабиёт	
4	Рангтасвир- да мазмун ва шакл.	№4	26.04.13	2	Оғзаки	Рангтасвирда мазмун ва шаклга оид баённомалар ва расмлар.		Укиб келиш.	Маъру за матни	Тарих	
5	Рангтасвир жанрлари	№5	2.05.13	2	Оғзаки	Рангтасвир жанрларига оид расмлар.					
						-38-					

6	Рангтасвир санъати	№6	8.05.13	2	Оғзаки	Рангтасвир асарларидан Иллюстрациялар.	Мустакил укиш		Укиб келиш.		
7	Ўзбекистон рангтасвир санъати .	№7	14.05.13	2	Оғзаки	Шу давранг тасвир мактабларига оид расм ваплакатлар		Асбоблар билан танишиш	Муйкаламлар билан танишиш	Расм	
8	Дарс ўтиш хонасида хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги	№8	20.05.13	2	Оғзаки ва амалий	Хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлигига оид плакатлар.	Плакатларни ўрганиш			Физика Химия	
9	Натюрморт ишлаш ишлатиладиган асбоб ускуналар мўйқалам сақлаш усуллари	№9	26.05.13	2	Оғзаки	Маълум усуллардан фойдаланиш.					
10	Натюрморт ишлатиладиган асбоб ускуналар	№10	1.06.13	2	Оғзаки	Мойбўёқ турлари тасвирланган слайдлар	Энг сифатли мойбўёқни танлаш.	Сифатли мўйқалам танлаш		Физика Химия	
11	Натюрморт қоғозга эскиз чизиш	№11	7.06.13	4	Амалий	Натюрорт чизилган эскизлар	Эскизлар.			Химия	
12	Натюрморт ҳақида тушунча Натюрморт қўйилмаси ва композиция	№12	13.06.13	2	Оғзаки	Натюрморт композиция тасвирланган плакатлар				Чизмачилик	
13	Қўйилмани қаламда сўнгра рангда керакли ўлчамда чизиб олиш	№13	19.06.13	4	Амалий					Математика	

-39-

14	Тўртбурчак шакли қоғозга мослаб натюрморт эскизини чизиш	№14	25.06.13	4	Амалий	Эскизлардан Фойдаланиш.	Рангтасвир композициялар ини Қоғозга Тушириш.			Компози ция	
15	Такдимот Жами			50							

Тузувчи фан ўқитувчиси:

Холиёрова Нилуфар

Самарқанд вилояти

„Тасдиқлайман”

Самарқанд шаҳри

коллеж маънавият ва маърифат

Санъат коллежи

ишлари бўйича директор ўринбосари

Рангтасвир

№ __ гуруҳ мураббийси

**Ўқитувчи Холёрова Нилуфарнинг 2012 -2013 ўқув йилида
бажариладиган маънавий ва маърифий ишлар режаси.**

№	Бажариладиган тадбирлар	Бажарилиш муддати	Изоҳ
---	-------------------------	----------------------	------

Август

1	Дарс синфхонасининг давлат рамзлари Президент портрети герби давлат байроғи давлатгиминива президенти асарлари билан жихозлаш	25.08.12	Мураббий
---	---	----------	----------

Сентябр

2	1-сентябр Ўзбекистон Руспубликаси Мустақиллиги қунига бағишланган тадбирда қатнашиш.	1.09.12	Маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари
---	---	---------	---

Сентябр

3	Билим юртида келган талабаларни билим юртининг ички қонун қоидалари билан таништириш	2.09.12	Директор мураббий
---	---	---------	----------------------

Октябрь

4	Ўзбекистон рассомлари ижодида натюрморт ҳақида сухбат	Доимий	Мураббий
5	Гуруҳ давомати ва ўқиш жараёни текшириб бориш		

Ноябр

6	Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзий белгилари ҳақида талабаларга тўлиқ маълумот бериш.	Доимий	Мураббий тарих ўқитувчиси
---	---	--------	---------------------------------

Декабр

7	„8-декабр Ўзбекистон рес- публикасининг Конституцияси куни мавзусида талабаларга маъруза ўқиш.	7.11.12	Мураббий тарих ўқитувчиси
---	---	---------	---------------------------------

Январ

8	I-ярим йилик якуни гуруҳининг умумий ва махсус фанлардан тўплаган жорий оралиқ ва якуний назорат рейтинг балларини қўриб чиқиш талабалар билан биргаликда таҳлил қилиш.	25.01.13	Мураббий
---	---	----------	----------

Тузувчи гуруҳ раҳбари:

Ўқитувчи Холиёрова Н

V. Хулоса

Хулоса

Диплом ишимга айнан шу мавзуни танлашимга сабаб ёшликдан

Рангтасвирга бўлган қизиқиши деб ўйлайман. Рангтасвирнинг натюрморт жанри бўлса, 4 - йилик тахсилим давомида ўзига жалб қилди. Шу сабаб рахбарим билан маслахатлашган ҳолда ана шу мавзуда натюрморт ишлашга қарор қилдим. Бу маъсулиятли вазифани бажаришда 4-йил давомида устозлардан олган билим ва кўникмаларим кўл келди.

Албатта бу уринишларни баҳолаш сизларга ҳавола ҳурматли Давлат

Аттестация Комиссияси аъзолари.

Ўз навбатида мен биз талабаларга саънат сирларини ўргатган устозларга раҳмат айтаман.

VI. Адабиётлар

Адабиётлар

1. И.А.Каримов,,Ўзбекистон хх аср бўсағасида Тошкент.1997йил
- 2.И.А. Каримов Ўзбекистонинг ўз истилол ва тараққиёт йўли
Тошкенд Ўзбекистон 1992 йил
- 3.Тасвирий санъат вауни ўқитиш методикаси Орипов Б.Тошкенд 2005
4. Бўёқлар билан ишлаш Х. Эгамов Тошкент Ўқтувчи 1981 йил
- 5.Замонавий ўқитиш технологиялари Х.Т.Авлиёқулов Тошкенд 2001
- 6.Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
7. Рангтасвир. С Абдурасулов Н.Толипов Н.Орипова Тошкенд 2006
8. Рангтасвир. С Абдурасулов Тошкент.
9. WWW. Arxiv./ Kuz nematlari / mail @ uz.
10. WWW. google. / natyurmort / mail @ uz.

